

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎРНИ.

Тулянибаев Жамшид Шухратович

Мустақил изланувчи

MAQOLA MALUMOTI

ANNOTATSIYA:

MAQOLA TARIXI:

Received: 03.02.2026

Revised: 04.02.2026

Accepted: 05.02.2026

KALIT SO'ZLAR:

*Ўзбекистон
Республикаси,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси,
профилактика
инспектори, жамоат
хавфсизлиги, қонун
устуворлиги,
фуқаролик жамияти,
маҳалла, ёшлар
хуқуқий онги,
ижтимоий
барқарорлик, ички
ишлар органлари.*

Мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақилликдан сўнг хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, шу жумладан хуқуқбузарликларни профилактика қилиш соҳасида амалга оширилган ислохотлар таҳлил қилиниб, профилактика инспекторлари ваколатлари, уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлиги ва маҳалла тизимидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ёшлар ўртасида хуқуқий онгни ошириш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашда профилактика инспекторларининг роли ҳам кўриб чиқилиб, Президентнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатида алоқадор жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасига кўра, “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, хуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”.[1] Шу нуқтаи назардан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этди. Айнан шу жиҳатдан, хуқуқбузарликларни профилактика қилиш нафақат ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим йўналиши, балки мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий тараққиётни таъминловчи институционал механизм сифатида шаклланди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизими мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асосларга эга бўлди. Ушбу тизимнинг инсонпарварликка йўналтирилганлиги, комплекс ва тизимли хусусияти, жамоатчилик иштирокини таъминлаган ҳолда ошкоралик тамойилларига таянаётгани унинг самарадорлигини янада оширди. Конституциянинг 31-моддасида кўрсатилганидек, “ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга”.[1] Давлат сиёсатида жиноятчиликка қарши курашишда жазолаш чораларига эмас, балки уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган профилактик ёндашув устувор аҳамият касб этмоқда.

Миллий истиқлол ғояси фуқароларни мамлакат тараққиётининг стратегик мақсадлари, миллий ва маънавий қадриятлар, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш ғоялари атрофида бирлаштиришни кўзда тутди. Бу жараёнда аҳолини адолатли жамият куриш ғояларига ишонтириш, уларнинг фаол ижтимоий позициясини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти мустақилликнинг 32 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш барча ислохотларнинг пойдевори эканини таъкидлаб, адолатли қонунларга виждонан амал қилиш ва мамлакат келажаги учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини алоҳида қайд этган[2]. Ушбу ғоялар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳам дастурий аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий асосларга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни[3] ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги ваколатларини белгилаб берган. Хусусан, мазкур қонуннинг 15-моддасида ички ишлар органларининг таянч пунктлари жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи асосий қуйи бўғин сифатида белгиланган[3]. Бу таянч пунктлар аҳолига энг яқин бўғин бўлиб, профилактика инспекторлари фаолияти айнан шу ерда амалга оширилади.

Шунингдек, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун[5]га мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий мақсади ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишдан иборат. Мазкур қонунда профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ваколатли мансабдор шахс сифатида белгиланган бўлиб, унинг фаолияти қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат, ижтимоий адолат ва ошкоралик тамойилларига асосланади.

Профилактика инспектори ички ишлар органларининг қуйи бўғинида фаолият юритиб, муайян маъмурий ҳудудга бириктирилади. Унинг хизмат фаолияти жамоат

тартибини сақлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар билан яқин мулоқот ўрнатиш, ижтимоий хавфли ҳолатларни барвақт аниқлашга қаратилган. Инспектор хизмат ҳудудидаги оилаларнинг ижтимоий аҳволини ўрганади, хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан индивидуал профилактик суҳбатлар олиб боради, оилавий-маиший низоларнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Бундай ёндашув жиноятчиликнинг илдиз отишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

2026 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишда Президент профилактика инспекторлари фаолиятида формализмга йўл қўймаслик, ҳар бир ҳудуддаги криминоген ҳолат учун шахсий масъулиятни кучайтириш, профилактик ишларни натижага йўналтириш зарурлигини таъкидлади[6]. Бу фикрлар профилактика инспекторининг жамиятдаги ролини янада оширишга қаратилган сиёсий ироданинг ифодаси сифатида баҳоланади.

Йиғилишда, шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланди. Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш орқали жиноятчиликка қарши барқарор ижтимоий иммунитет шакллантириш мумкинлиги қайд этилди. Бу борада профилактика инспекторларининг таълим муассасалари, маҳалла фаоллари, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш тузилмалари билан ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Президент ташаббуслари асосида жорий этилган “маҳаллабай ишлаш” тизими профилактика инспекторлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Ушбу тизим орқали ҳар бир маҳалладаги ижтимоий ва криминоген ҳолат чуқур таҳлил қилиниб, аниқ профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Профилактика инспекторларининг маҳаллий жамоалар билан яқин ҳамкорлиги нафақат ҳуқуқбузарликларнинг камайишига, балки аҳолининг давлат органларига бўлган ишончининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактика инспекторлари институти марказий ўрин тутди. Уларнинг фаолияти мустаҳкам қонунчилик асосига таяниб, Президент томонидан белгиланган давлат сиёсатида мувофиқ равишда амалга оширилмоқда. Профилактика инспекторларининг касбий салоҳиятини ошириш, уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва профилактик фаолиятни илмий асосланган ёндашувлар билан бойитиш ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевни мустақилликнинг 32 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/7519>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.
5. 2026 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши. <https://president.uz>